

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT”
MARKAZI**

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko'chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz



**“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100095, Tashkent city, Talabalar city, Street Talabalar, 70
Phone: (998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

№

**Олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўкув йилининг олтинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини “Шарқ жавоҳирлари” мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 6 бет.

**Хурмат билан,
“Маънавият ва маърифат”
маркази директори**

О.А.Худайназаров

Марказнинг 2018 иил “___” октябрдаги
—сонли хатига илова

**“Шарқ жавоҳирлари” ҳафталиги “Ахборот ва мураббийлик соати”
машғулотларининг 1-босқичи материаллари.***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР
МАЪЛУМОТЛАР**

**ИСЛОМ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ СТАНДАРТЛАР ВА МЕТРОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ УСТАВИ ВА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ (ИСТАНБУЛ,
1999 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ, 2017 ЙИЛ 7 МАЙ ҲОЛАТИДАГИ
ЎЗГАРТИРИШЛАР БИЛАН) РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

<http://www.aza.uz/oz/documents/isлом-mamlakatlarining-standartlar-va-metrologiya-instituti--03-10-2018>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА
ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
<http://www.aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-ayrim-onun-uzhzhatlariga-i-tisodi-04-10-2018>

**САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРӢ ҶИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
<http://www.aza.uz/oz/documents/saylov-zharayeniga-zamonaviy-akhborot-kommunikatsiya-teknol-05-10-2018>

**ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА
МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори
<http://www.aza.uz/oz/documents/davlat-organlari-va-tashkilotlarida-izhro-intizomini-yanada--06-10-2018>

***Эслатма:** Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқичи – қадимий шаҳарларимиздан Самарқанд ва Хива шаҳарларига багишланади, 3-босқичи – талаба-ёшларга покдомонлик фазилати ҳақида тушиунча берилади, 4-босқичи – талабалардан мустақил равишда мутолаа қилинган бадиий адабиётлар ҳақида сўралади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 октябрь куни электр энергетика соҳасидаги ишлар ахволини чуқур таҳлил қилиш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар белгилашга бағишиланган йиғилиш ўтказди.

– Электр энергетикаси иқтисодиётнинг “мотори” бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни, умуман ҳаётни бу соҳасиз тасаввур қилиб бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Мамлакатимизда жами 14 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлиб, унинг 86 фоизи иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келади.

Бироқ, иссиқлик электр станциялари қувватларининг 84 фоизи қарийб яrim аср аввал ишга туширилган бўлиб, улар ҳам 83 фоизга ишламоқда, холос.

Ривожланган давлатларда 1 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш учун 240-260 грамм ёқилғи сарфланса, мамлакатимиздаги айrim станцияларда 2 баробар кўп ёқилғи сарфланади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етади.

Мамлакатимизда электр энергияси асосан табиий газни ёкиш эвазига ишлаб чиқарилади. Газ ресурслари чекланган бугунги шароитда 2030 йилга бориб уни янада кўпроқ сарфлаш – тикланмайдиган табиий ресурсларнинг жуда катта миқдорини увол қилиш деганидир.

– Атом электр станциясининг ишга туширилиши ёқилғи сарфини қисқартириш бўйича мутлақо янги ечимлардан бири бўлади, бироқ бунинг учун ҳали 8-10 йил керак. Шунинг учун мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, энг муҳими, қисқа вақтда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш лозим, – деди Президентимиз.

Йиғилишда 2030 йилга бориб қўшимча талаб этиладиган 12,5 минг мегаватт қувватларни яратиш чорасини кўриш, жумладан, буғ-газ қурилмалари, атом электр станцияси, гидроэлектрстанциялар барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш, Сирдарё, Тошкент, Навоий, Тахтатош иссиқлик электр станцияларидағи энергоблокларни янгилаш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликни электр энергияси тизимиға ҳам жорий қилиш орқали зарур бўладиган қувватларни қоплаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига 3,9 минг мегаваттли буғ-газ ва газ-турбина қурилмалари ҳамда Ангрен шахрида ва Сурхондарё вилоятида кўмирда ишлайдиган иссиқлик электр станциялари, қуёш ва шамол электр станциялари қуриш чораларини кўриш бўйича тегишли топшириклар берилди.

Йиғилишда электр энергияси ишлаб чиқарувчи янги объектлар қуришни жадаллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгилаб олинди.

Шу муносабат билан келгуси йилдан электр энергияси сотишдан тушадиган маблағларнинг 15 фоизини инвестиция лойиҳаларини

молиялаштириш ва кредитларни қайтариш учун йўналтириш лозимлиги таъкидланди.

Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш вазифаси топширилди.

– Тизимда амалга ошириладиган модернизация ва реконструкция ишлари ушбу соҳага давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторни жалб қилишни тақозо қилмоқда. Лекин, на норматив-хуқуқий база ва на техник инфратузилма бунга тайёр эмас. Масалан, хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган электр энергиясини энерготизимга қабул қилиш масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган. Оддий мисол, Туркияда 60 фоиз, Жанубий Кореяда 20 фоиз электр энергияси хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади, – деди Президентимиз.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига халқаро эксперталар хulosалари асосида соҳага хусусий секторни жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмининг хуқуқий, институционал, технологик асослари ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён фойдаланиб келинаётган тармоқлар улуши 62 фоизни ташкил этиши, тақсимловчи тармоқларда линияларнинг 57 фоизи ва 39,6 мингта трансформатор пункти янгиланиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурга асосан жорий йилда 34 минг километрлик электр узатиш тармоғи ва 7 минг трансформатор пунктида, 2019 йилда 7 минг километр электр узатиш тармоғи ва 2 минг трансформатор модернизация қилиниши лозим.

Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига дастурда белгиланган тадбирларни барқарор молиялаштириш манбалари билан таъминлаш юзасидан топшириқ берилди.

“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига инвестиция мажбуриятларини бажариши учун уни молиявий мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўриши вазифаси юклатилди. Шу жумладан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига унинг 2019-2021 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига асосий қарзини қайтариш муддатини 3 йилга узайтириш бўйича енгилликлар бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Етказилган электр энергияси бўйича қарздорликларни ундириш самарадорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Мажбурий ижро бюроси электр энергияси бўйича қарздорликни камайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар натижадорлигини янада ошириши кераклиги қайд этилди.

Энергия ресурсларининг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш пайсалга солиб келинаётгани танқид қилинди.

Масалан, мазкур тизимни Бухоро, Жizzах ва Самарқанд вилоятларида жорий этиш бўйича чет эл компанияси билан имзоланганд шартнома қиймати қайта кўриб чиқилиши сабабли уни амалга ошириш тасдиқланган режа-жадвалдан 15 ойга кечикмоқда.

“Ўзбекэнерго” АЖ, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидағи 1,4 миллион истеъмолчини автоматлаштирилган тизимга улаш ишларини жадаллаштириши зарурлиги таъкидланди.

Бошқа ҳудудларда 2019-2021 йилларда Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш, автоматик бошқарув тизимининг ягона марказини ташкил этиш, келгуси 3 йилда 5,6 миллион дона замонавий электр ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Президентимиз қўшни давлатлар энергия тизимларига транзит хизмати кўрсатиш, бунинг учун улар билан музокараларни йўлга қўйиш, юртимизнинг транзит ва экспорт салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиши юзасидан тегишли мутасаддиларга топшириқ берди.

Энергия ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг асосий вазифаси бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда электр энергетика соҳаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

МАДАНИЙ МЕРОС – ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ КЎПРИГИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга давлат ташрифи арафасида Париж шаҳрида “Маданий мерос – Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги мулоқот кўприги” медиа-ивенти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, ЮНЕСКО, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ҳамкорлигига ташкил этилган медиа-ивентда Ўзбекистоннинг маданий мерослари ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринbosари С.Сафоев, мамлакатимизнинг Франциядаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси С.Рустамбоев, ЮНЕСКО Бош директори ўринbosари Эрнесто Ренато Оттоне Рамирес, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили У. Шодиев ва бошқалар Ўзбекистон-Франция ўртасидаги алоқалар янги босқичда ривожланаётгани, бунда маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, маданий-маърифий соҳаларда самарали халқаро ҳамкорлик қилиш учун яратилаётган янги имкониятлар ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Ўзбекистон маданий мероси мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл” лойиҳаси доирасида чоп этилган туркум китоблар намойиш қилинди.

Тадбир доирасида мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида расмий қабул маросими бўлиб ўтди. Унда ўзаро маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари ҳакида сўз борар экан, икки давлат расмий ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистон ва Францияга тегишли ноёб хужжатларни биргаликда тадқиқ қилиш ва натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш масалаларига эътибор қаратди.

“Маданий мерос – Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги мулоқот кўприги” мавзусидаги илмий семинарда икки мамлакат таниқли олимлари ўзаро ҳамкорликни янада мазмунан бойитиш, янги лойиҳалар устида ишлаш, илмий-маърифий алмашинувни фаоллаштириш истиқболларини муҳокама қилди.

Тадбир доирасида ЮНЕСКОга “Ўзбекистон маданий мероси мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқотга йўл” лойиҳаси доирасида нашр этилган туркум китоблардан намуналар топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Владимир Путинни туғилган куни билан чин дилдан табриклаб, энг самимий ва эзгу тилакларини билдириди.

Мулоқотда олий даражадаги учрашув ва музокаралар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал суръатлар билан ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро товар айирбошлиш ҳажми юқори суръатлар билан ортмоқда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, нефть-газ, энергетика, металлургия, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқовқат саноати ва бошқа соҳаларда йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Томонлар имзоланган хукumatлараро битимга мувофиқ атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида стратегик лойиҳани амалга оширишга киришди.

Худудлар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар ҳамда ишбилармон доиралар ҳамкорлиги фаоллашди. Шу ойда Тошкентда икки мамлакат худудлари, етакчи корхона ва компаниялари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон-Россия биринчи ҳудудлараро форуми бўлиб ўтади.

Маданий-гуманитар соҳада амалга оширилаётган амалий тадбирлар юксак баҳоланди. Олий таълим муассасалари ўртасидаги шериклик муносабатлари фаоллашгани таъкидланди. Яқинда пойтахтимизда

Ўзбекистон ва Россия етакчи университетларининг ректорлари ва профессор-үқитувчилари иштирокида биринчи қўшма таълим форуми бўлиб ўтади.

Давлат раҳбарлари Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифини ўтказиш билан боғлик масалаларни муҳокама қилдилар. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмасилди.

Мулоқот сўнгидаги Президентлар Ўзбекистон билан Россиянинг узок муддатли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.